КЕТИККАН БАҲОР

Зебонинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборадиган бир воқеа содир бўлгунча ҳаёти шу зайлда кечаётган эди. Лекин бир ойча олдин иш вақтида бошида кучли оғриқ сезди ва дарсларини ҳамкасбига ташлаб уйга келишга мажбур бўлди. Ота-онасига буни сездирмади ва оддий бош оғриғи бўлса керак деб дори ичиб ётди. Бу ҳолат эртасига, ундан кейин ҳам давом этди. Кучли оғриқ унга қаттиқ азоб берарди. Таниши унга вилоятдаги шифохонага боришни маслаҳат берди.

Турли хаёллар билан шифохонага қандай келганини ҳам билмаган Зебо шифокор ҳузурига кирди. Унга бир нечта анализларни топшириш лозимлигини айтишди. Анализ жавоблари чиққунича ўтган вақт Зебо учун неча йилдек туюлди. Мутахассис жавобини эшитган Зебонинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Ҳа, у ўзи ўйлагандек ўша "даҳшатли" касалга чалинган эди. Бошида хавфли ўсимта бўлиб, унинг олти ой, узоғи билан бир йилга яқин умри қолганлигини айтишди. Жарроҳлик йўли билан ўсимтани олиш аҳволини бирмунча яхшилаши ёки аксинча ҳам бўлишини, мўъжиза бўлиб, ҳаётини сақлаб қолиш ҳам мумкин экан. Зебо бу касаллик ҳақида, касалликка чалинганлар ҳақида кўп эшитарди, уларга чин дилдан ачинарди, лекин ўзи билан бу ҳолат юз беришини кутмаган эди.

Шу кундан унинг ҳаётида қандайдир бўшлиқ пайдо бўлди. Ортига қараганда худдики умри бесамар кетгандек туюлаверди.

Шу дақиқадан Зебо ҳар бир кунини, ўтган сониясини эслаб қолишга, фақат яхши, савобли ишлар қилишга, кўпроқ ота-онаси, яқинлари билан бўлишга қарор қилди. Лекин Зебони яна бир нарса қийнарди. Бу гапни ота-онасига қандай айтади. Шундоғам фарзандининг шу ёшгача бахтини топмаганини ўйлаб сиқилиб яшаётган ота-онасига бу дардни қандай айтади. Йўқ, айтмайди. Индамай юради, буни сир тутади. Оғир дарддан эмас, умри қисқалиги боис вафот этганлигини билишса, қизларига унчалик оғир бўлмайди.

Шу зайлда Зебонинг изтиробларга тўла кунлари бошланди. У ишда ҳам ҳамкасблари билан, ўқувчилари билан кўпроқ гаплашишга, битмай қолган ишларини битказишга ҳаракат қилди. Атрофидаги бахтиёр, соғлом инсонларни кўриб ўзининг ҳам кечагина мана шундай ғамсиз, ўйловсиз ўтган кунларини эслаб, ич-ичидан эзиларди. Ўша кунларга қайтишни жуда-жуда хоҳларди. Шунда Зебо тирикликнинг, ҳаётнинг нақадар ширин ва ортга қайтариб бўлмаслигини юрақдан ҳис қилди.

Ғам билан шодлик ёнма-ён юради, деб бежиз айтмас эканлар. Шундай кунларнинг бирида Зебонинг ҳаётига нур, мазмун бахш этадиган воқеа содир бўлди. Шунча йиллар кутган бахтини, ўзи орзу қилган инсонни учратди. Шифохонага навбатдаги муолажалардан бирига борган Зебонинг тўсатдан аҳволи ёмонлашди. У касаллигини уйдагиларига айтмагани учун муолажаларга ёлғиз келарди. Зебо ўзи даволанадиган бўлимдаги Акмал исмли шифокорни ҳар сафар келганида кўргани учун таниб қолганди. Ундан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Акмал дарҳол ҳамшираларни чақириб Зебога ёрдамга ошиқди. Шу вақтгача бегона кишидан бундай эътибор, меҳрибонликни кўрмаган Зебо ўзини жуда ноқулай сезарди.

Улар ўртасидаги самимий ва илиқ муносабат ана шу кундан бошланди. Акмалнинг Зебони аҳволига бу қадар ачиниши, унга имкон борича ёрдам беришга интилишининг сабаби бор эди. Бундан икки йил муқаддам унинг рафиқаси ошқозон ости бези саратони касаллиги туфайли оламдан ўтган эди. 2 нафар фарзанди билан яшаётган Акмал рафиқасига бўлган садоқати, меҳри боис ҳалигача сўққабош эди. Акмал ҳар гал Зебони кўрганда рафиқаси билан унинг касаллигини бирга кечирган кунлари ёдига келиб, кўзига ёш келарди. Уни асраб қололмагани учун ўзини айбдор сезарди. Шу боис иложи борича Зебога ёрдам беришга ҳаракат қиларди.

Зебо бора-бора Акмалга боғланиб қолаётганини сезди. Ҳар гал Акмалга қараганда муносабатларининг умри қисқалигини ўйлаб бўғзига тиқилган аччиқ ёшларни ютишга мажбур бўларди. Шу тариқа кунлар, ойлар ўтди. Лекин Зебонинг аҳволи ўзи ўйлагандек унчалик яхшиланмади. Шифокорлар айтган кунлар ҳам тобора яқинлашарди. Энг ёмони ота-онаси, яқинлари унинг касаллигидан ҳалигача хабардор эмаслиги. Зебо охиригача буни ота-онасидан сир тутмоқчи.

Шу ерга келганда Зебо билан суҳбатимиз ниҳоясига етди. Чунки унинг ўзи таърифлаган, ҳозирда унга жуда ҳам боғланиб қолган, умрининг кечиккан баҳори деб биладиган инсон ёнимизга яқинлашаётган эди. Акмал ташқи кўринишидан Зебо айтганидек меҳрибон, оқкўнгил, ҳаётдан қаттиқ зарба еган инсонга ўхшарди. Биз билан саломлашган Акмал секингина Зебодан "кетдикми" деб сўради. Зебодан телефон рақамлари, ўзи ҳақидаги маълумотларни олиб улар билан хайрлашдим.

Биласизми улар мен билан хайрлашар вақтида қаерга боришаётган эди? Зебо ишлаши давомида яхши ниятлар билан озми-кўпми пул жамғариб қўйган экан. У шу пулларни савобли ишга сарфлашни ният қилибди. Шифохонада ўзи сингари касалликка чалинган болаларни кўрганлиги, уларнинг айримларини даволашнинг имкони бор, лекин моддий томондан қийналаётганликларини билиб шу пулларни уларнинг даволанишлари учун беришга кетаётган эди.

Уларнинг орқасидан кузатарканман, шу аснода фақат бир нарсани, Зебони, ўзи айтганидек, шифокорлар айтган даҳшатли муддатдан сўнг ҳам соғ ҳолда кўришни, мўъжиза юз бериб унинг касалига даво топилишини чин дилдан истардим.

ДИЛРОЗ

ЭЪЛОНЛАР * ЭЪЛОНЛАР

этган)дан қолган мол-мулкка нисбатан мерос иши очилди. Шу муносабат билан барча меросхўрларни 1-сонли Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Каттақўрғон шаҳар, 1-сон Давлат нотариал идораси, Алишер Наво

нор Умарова (2006 йил 8 январда вафот этган)дан қолган мол-мулкка нисбатан мерос иши очилди. Шу муносабат билан барча меросхўрларни 1-сонли Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Манзил: Каттақўрғон шаҳар, 2-сон